

Жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик

Мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар ва қонун ости ҳужжатлар турли ижтимоий муносабатларни тартибга солиш билан бир қаторда маълум бир ҳуқуққа хилоф ҳаракат (ҳаракатсизликлар)- ларни ҳуқуқбузарлик сифатида эътироф этиб улар учун тегишли юридик жавобгарликни ҳам белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов таъбири билан айтганда, «...ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир»³⁶. Бугунги кунда ана шу қонунларимизни «ишлаши»ни таъминлаш ҳам муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Ҳуқуқ назариясига кўра, ҳар қандай юридик жавобгарликнинг асосини қонунга хилоф, айбли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), яъни ҳуқуқбузарлик ташкил этади. Ҳуқуқбузарликлар ўзининг мазмуни, юридик хусусиятлари ва таркибига эга бўлиб, турли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасига кўра, ҳуқуқбузарлик - содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)дир³⁷.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 10-моддасига мувофиқ, маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда - қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади³⁸. Башарти ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда, маъмурий жавобгарлик юзага келади.

³⁶ Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг Тошкент шаҳар Халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. - 2012 . - 17 март.

³⁷ Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонуни

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. - 1995. - № 3. - 6-м.

Юридик адабиётларда қайд этилишича, жамоат тартиби - бу фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги, жамоат хавфсизлиги, корхона, муассаса, ташкилотлар, жамоат ташкилотларининг нормал фаолият кўрсатиши, фуқароларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун тўлиқ шароит яратишга, уларнинг шаъни, кадр-қимматини ҳамда умуминсоний кадриятларни ҳурмат қилишга йўналтирилган ҳуқуқий ва ижтимоий меъёрлар асосида жамоат жойларида юзага келадиган ва ривожланадиган ижтимоий муносабатлар тизимидир.

Шу боис, жамоат тартиби давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар томонидан муҳофаза этилади. Жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш - ички ишлар органларининг асосий вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасида жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ушбу соҳадаги ижтимоий муносабатларни қўриқлаш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодекслари билан тартибга солинган.

Амалдаги маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг махсус қисмида маъмурий ҳуқуқбузарликлар V бобдан XVI¹ бобгача жами 14 та бобда 14 гуруҳ (тур)га бирлаштирилган. Биз кўриб чиқа- ётган «Жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар» Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг «Жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик» деб номланган XV бобида ўз аксини топган бўлиб, ушбу бобда 183-192-моддаларни ўз ичига олган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Бошқача қилиб айтганда, мазкур бобда жами 18 та ғайриҳуқуқий қилмишлар яъни маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Ушбу бобда маъмурий жавобгарликни белгиловчи 8 та маъмурий ҳуқуқий норма маъмурий қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар натижасида «прим» моддалар сифатида кодексга татбиқ этилган.

МЖТКнинг «Жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик» деб номланган XV бобидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни таснифлайдиган бўлсак, улар қуйидагилардан иборат: майда безорилик; жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадида сақлаш; фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юриши; диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш; миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки

тарқатиш; ўқотар қуроллардан белгиланган тартибни бузган ҳолда олиш; пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи; фуқароларнинг хонаки усулда ҳозирланадиган ўткир спиртли ичимликларни сотиш мақсадида тайёрлаши ёки сотиши; этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш; жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш; вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш; вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш; вояга етмаган шахснинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш; порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш; зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш; фоҳишалик билан шуғулланиш; қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар; маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш.

Жамоат тартибига тажовуз қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар жамиятда юриш туриш қоидаларига, вояга етмаганлар ва ёшларнинг тўғри тарбияланишига, ҳуқуқ-тартибот ва жамоат тартибига ижтимоий зарар етказишини назарда тутиб Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқ-бузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг «Ўзига нисба-тан профилактик ҳисобга олиш юритиладиган шахслар» деб номлан-ган 35-моддасида жамоат тартибига тажовуз қилувчи 18 та маъмурий ҳуқуқбузарликлардан 12 тасига яъни, 183, 184, 184¹, 184², 184³, 187, 188, 188¹, 189, 189¹, 190, 191-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганларга профилактик ҳисобга олиш тадбирлари амалга оширилиши белгиланган. Профилактик ҳисобга олиш мазкур шахсларнинг тузалиши ва такроран ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш мақсадида ички ишлар органлари томони-дан амалга ошириладиган профилактик тадбирлари мажмуидир.

Шунингдек, жамоат тартибига тажовуз қилувчи 18 та маъмурий ҳуқуқбузарликлардан 9 таси учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин такрорий содир этилиши жиноят қонунчилиги билан жиноий жавобгарликка тортилиши Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси махсус қисмининг тегишли моддаларида қайд этилган. Мазкур моддаларни қуйида келтирилган жадвалда кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси МЖТК	Ўзбекистон Республикаси ЖК
184-модда. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадида сақлаш	244 ¹ -модда. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш
184 ² -модда. Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш	244 ³ -модда. Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш
184 ³ -модда. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш	156-модда. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатиш
185 ¹ -модда. Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи	250 ¹ -модда. Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи
186 ¹ -модда. Этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш	186 ¹ -модда. Этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш
188-модда. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш	127-модда. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш
189-модда. Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш	130-модда. Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш
189-модда. Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш	130-модда. Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш
191-модда. Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар	278-модда. Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш

Мазкур жамоат тартибига тажовуз қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг жамиятга етказадиган зарарини инобатга олган ҳолда маъмурий қонунчиликда қуйидаги жазо чоралари назарда тутилган.

18 та маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг барчасида маъмурий жарима жазоси назарда тутилган. Жарималар миқдори жамоат тартибига етказилаётган зарарнинг даражасига қараб фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солиниши назарда тутилган.

10 та маъмурий ҳуқуқбузарлик учун тақиқланган материаллар,

маҳсулотларни ва ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиш жазо чораси назарда тутилган.

5 та маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ўн беш суткагача маъмурий камоқ жазо чораси назарда тутилган.

Мазкур маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни адолатли жавобгарликка тортиш ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида ушбу ҳуқуқбузарликларни асосий қисмини МЖТКнинг 245-моддасига биноан Маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқадилар. Фақат 183-модданинг жарима жазосини қўллашни назарда тутган ҳолда, 187-модданинг биринчи қисми ва 192-моддаларни кўриб чиқиш ва жазо қўллаш Ички ишлар органлари ваколатига тааллуқлидир.

Шунингдек, агар ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарлик фактини инкор этса, маъмурий ишлар бўйича судьялар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги бошқа ишларни ҳам бевосита кўриб чиқади.

Мамлакатимизда жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш бундай ғайриҳуқуқий қилмишларни юзага келишига йўл қўймаслик нафақат давлат органлари, мансабдор шахслар, ички ишлар органлари ходимларининг вазифаси балки, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси, фуқароларнинг бурчи ва вазифасига айланмоғи лозим. Зеро, фуқароларимизнинг огоҳ ва хушёрлиги ҳамда ўз вақтида тегишли идораларга содир бўлаётган ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар қилиши бундай қилмишларни олдини олишга айбдор шахсларни адолатли жавобгарликка тортишга ҳамда келгусида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Yugai, Lyudmila Yuryevna. "The use of biometric identification in countering crime." Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities 2.1.4 Legal sciences (2022).
2. Югай, Л. Ю. "НЕГОСУДАРСТВЕННАЯ СУДЕБНО-ЭКСПЕРТНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: СТАНОВЛЕНИЕ И РАЗВИТИЕ." Актуальные проблемы борьбы с преступлениями и иными правонарушениями 20-1 (2020): 74-76.